Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Шанба сони**

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 95 (9841). ● 1990 йил 19 май ● Баҳоси 5 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети студент ёшлар орасида фаннинг нуфузини ошириш, студентларнинг муваффақиятли ўқишини рағбатлантириш, республиканинг атоқли фан арбоблари ҳаёти ва фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида СССР илмий ва инженерлик жамиятлари Ўзбекистон республика ҳайъатининг айрим фанларни ўрганишда алоҳида истеъдод намоён қилган «Республика олий ўқув юртлари студентлари учун фан арбоблари номидаги стипендияларни таъсис этиш тўғрисида»ги таклифини кўриб чиқди ва қўллаб-қувватлади.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида: математикани ўрганувчи студентлар учун — академик В. И. Романовский номидаги; физикани ўрганувчи студентлар учун — академик У. О. Орифов номидаги, химияни ўрганадиган студентлар учун — О. С. Содиқов номидаги;

Беруний номли Тошкент политехника институтида: геологияни ўрганувчи студентлар учун — академик Ҳ. М. Абдуллаев номидаги; химияни ўрганувчи студентлар учун — академик А. М. Музаффаров номидаги; энергетикани ўрганувчи студентлар учун — академик М. З. Ҳамидхонов номидаги; қурилиш индустриясини ўрганувчи студентлар учун — академик М. Ўразбоев номидаги;

Тошкент машинасозлик институтида: машинасозликни ўрганувчи студентлар учун — академик Х. А. Раҳматуллин номидаги;

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида: академик М. А. Ҳожинова номидаги стипендиялар таъсис этилади.

* * *

Муҳаммад Тарағай Улуғбек туғилган куннинг 600 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида муҳокама қилинди. Буюк олимнинг юбилейи мамлакатнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлади, ўзбек халқининг илмий ва тарихий меросини тарғиб қилиш ишига хизмат қилади.

1994 йилда ўтказиладиган юбилей тантаналари муносабати билан Улуғбекнинг Самарқанддаги бутун дунёга машҳур астрономия обсерваториясини, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда Улуғбек мадрасасини таъмирлаш ва тиклаш, Тошкент марказида Улуғбекка ёдгорлик ўрнатиш режалаштирилган. Буюк алломанинг асарлари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилади, совет ва чет эл олимларининг Улуғбек ҳақидаги китоблари туркуми нашр этилади, Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий фильм яратилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Улуғбек юбилейини ЮНЕСКО планига киритиш, СССР Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги мукофоти ва медалини таъсис этиш, юбилей тангаси чиқариш тўғрисида тавсиянома билан иттифоқ идораларига мурожаат қилиш топширилди.

Юбилей тантаналарини ва халқаро илмий конференцияни Самарқанд, Тошкент ҳамда Москвада ўтказиш режалаштирилмоқда.

*Ўзбекистон ва жаҳон:*

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ривожланган капиталистик мамлакатларнинг фирмалари билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш соҳасида фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Англиядаги АВТ интернэшнл лимитед фирмасининг вакили Ш. Шанавазни қабул қилди. Ҳамкорликнинг мумкин бўлган йўналишлари ва шакллари муҳокама қилинди.

Республика давлат план комитетида иккала томон мутахассислари иштирокида кенгаш бўлди, унда АВТ интэрнэшнл (Буюк Британия) билан Ўзбекистон корхоналари, ташкилотлари ўртасида муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришнинг конкрет чора-тадбирлари белгиланди, бу чора-тадбирлар тегишли муддат протоколида таъкидланди. Ҳужжатда қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё базасида тайёр буюмлар ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги кадрларни, мутахассисларни тайёрлаш, тузилиши мумкин бўлган қўшма корхоналарни пул билан таъминлаш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш имкониятлари чуқур ўрганилганлиги акс этди. Мазкур йўналишдаги ҳамкорликни, шунингдек бошқа йўналишларда мумкин бўлган ҳамкорликни амалга оширишга доир конкрет тадбирлар ҳақида аҳдномага эришилди.

(ЎзТАГ).

## ЗАМОНДОШИМИЗ



Педагогика соҳасида бой тажриба тўплаган Тўғоной Аъзамованинг пойтахтимиздаги 96-ўрта мактабда тил ва адабиётдан дарс бераётганига 30 йилдан ошди. Бу вақт мобайнида жонкуяр муаллима ёш авлодга пухта билим ва тарбия бериш борасида катта ҳурмат, эътибор қозонди.

Заҳматкаш ўқитувчи ўзининг меҳрибонлиги, камтарлиги, талабалари қалбига йўл топишдаги маҳорати туфайли ўқувчиларда фанига иштиёқ уйғота олди. У ўқитган болалар орасидан тил ва адабиётга ҳавас қўйиб, олий ўқув юртларида билим олаётганлар ҳам анчагина.

Т. Аъзамова методист ўқитувчи сифатида Шаҳло Азимбоева ва Нафиса Насриддинова каби баркамол шогирдлар тарбиялади. У ана шу жонкуяр издошлари билан фахрланади.

Суратда: Тўғоной Аъзамова.

П. ЭРГАШЕВ сурати.

## ПАХТА ДАЛАСИГА—ЭЛЕКТР МАЙДОНИ ОРҚАЛИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти олимлари пахта далалари ҳосилдорлигини ошириш учун курашда электр майдонидан фойдаландилар. Улар толадан тозаланган чигитни саралайдиган ва унга юқори кучланишли ток билан ишлов берадиган махсус қурилма ишлаб чиқдилар.

Янги усул уруғликларнинг биологик хусусиятларини фаоллаштириш имконини беради, уларнинг ўсишини тезлаштиради. Синовларнинг кўрсатишича, электр майдони ёрдамида ҳар гектар пахта майдони ҳосилдорлигини 4—6 центнер кўпайтириш мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармонидан сўнг*

# БОЛАЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

**ЯҚИНДА матбуотда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг дастлабки фармони эълон қилинди. Ана шу фармонга мувофиқ 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб жумҳуриятимизда кўп болали оналарга бериладиган нафақа миқдори икки баробар ошади. Шу муносабат билан биз вилоят социал таъминоти пенсия ва нафақалар бўлими бошлиғи С. Қ. ҚОДИРОВАдан янги фармоннинг асосий хусусиятларини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.**

— Аввало жумҳурият Президентининг айнан кўп болали оналарга кўрсатаётган ғамхўрлигидан барча оилалар, шахсан биз жуда мамнун бўлдик. Бу фармон яна шуниси билан диққатга сазоворки, биз илгарилари фақат иттифоқ миқёсидаги қарор ва буйруқларни кўркўрона бажарардик. Ваҳоланки уларнинг кўпчилиги бизнинг шароитларимизга мос келмасди. Масалан шу вақтгача кўп болали оналарга ҳам СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йилда чиқарилган фармони асосида нафақа берилардн. Ўша фармон чиққанидан бери орадан 43 йил вақт ўтган. Давр ҳам, эҳтиёж ва талаб ҳам ўзгарди. Лекин гўдакка бериладиган овқат пулини ҳам кўтармайдиган нафақа пулининг миқдори ўзгармади. Эндиликда улар социал жиҳатдан бир мунча ҳимояланган бўладилар, дея олишимиз мумкин. Негаки янги фармонга мувофиқ тўрт фарзандли ҳар бир оила кўп болали ҳисобланади.

Энди нафақанинг миқдорига тўхталсак. Илгари улар тўртинчи фарзандлари бир ёшга тўлганидан бошлаб, ойига бор йўғи тўрт сўм нафақа ола бошлардилар. Энди эса бу пул миқдори яна тўрт сўмга кўпаяди. Тўғри бу айримларга арзимайдиган туюлиши мумкин. Лекин жумҳуриятимизда ҳар бир оилада болалар сони кўплигини ҳисобга олсак ёрдам сезиларли эканлиги яққол кўринади. Масалан 1 июлдан бошлаб олтинчи фарзанд учун бериладиган нафақа 7 сўм ўрнига — 14 сўмга етади. Ўнинчи фарзанд учун эса оналар 12 сўм 50 тийин ўрнига — 25 сўм оладилар ва ҳ. к.

Сўзимни исботлаш учун Янгийўл ноҳиясининг Гулбаҳор қўрғонида истиқомат қилувчи 12 фарзанднинг онаси Фарида Эшоновани кўрайлик. У илгари ўн биринчи, ўн иккинчи фарзандлари учун ҳар кварталда тўқсон сўмдан пул оларди. 1 июлдан бошлаб 320 сўм оладиган бўлади. Ёки мана Бўстонлиқ ноҳиясининг Қўшқўрғон қишлоғида яшовчи тўққиз фарзанднинг онаси Айтгул Қуттибоева шу кунгача саккизинчи фарзанди учун ҳар кварталда ўттиз сўм, тўққизинчи фарзанди учун эса 37 сўм 50 тийин нафақа оларди. Энди умумий миқдорда 135 сўм оладиган бўлади. Энг муҳими оналаримиз нафақани илгаригидек боласи то беш ёшга тўлгунича тўлиқ олаверадилар. Лўнда қилиб айтганда шу кунгача вилоятимиздаги кўп болали оналарга йилига 7,7 миллион сўм миқдорида нафақа пули сарфланарди. Энди бу икки баробар ошди. Бизнингча бу озмунча маблағ эмас. Ҳозир биргина вилоятимизнинг ўзида 56 минг 31 нафар кўп болали она бор. Улар иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг асосий қисмини ташкил этади. Шундай экан кўп болали оналарга тўланадиган нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги фармон унда айтилганидек ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш, шунингдек социал адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

# ПАЙСАЛГА СОЛИШМАСА...

Суҳбатдошим Усмон ака Ғуломов ҳақида ўғиллари Анвар, маҳалладошларидан жуда кўп эшитганман. Жасур разведкачи, гвардиячи полк жангчиси бўлган бу одам Берлин учун бўлган жангларда қатнашган. Нуйбург шаҳрида бир неча ой комендантлик қилиб, сўнгра кўкрак тўла орден ва медаллар билан Тошкентга қайтган. Урушда орттирган жароҳатлари туфайли II группа ногирони бўлиб қайтган.

— Урушдан сўнг айрим корхоналарда ишлаб кўрдим. — деди у. Охири бўлмади, соғлиғим кўтармади. Ҳарбий комиссариатдагилар такрор тиббий кўрикдан ўтказиб, II группа ногирони деб ҳужжат беришди. Мана ўшандан бери борига шукур қилиб умр кечириб келаяпмиз.

— Мана, куни кеча сиз ва сизга ўхшаш Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Танишиб чиққан бўлсангиз керак. Хурсандмисиз?

— Аввало, биздай кўнгли шикаста, йилдан-йилга сафлари камайиб бораётган уруш ветеранларига шундай иззат-икром кўрсатилаётган экан, бундан қувонмай бўладими. Минг раҳмат. Лекин айрим ташкилотлардаги раҳбарларнинг бундай фармонларга муносабати кишини ҳайрон қолдиради.

Кўпчилик ишлайдиган уруш қатнашчилари байрам арафасида ҳамманинг диққат-эътиборида бўлишди. Совғалар олишди. Менга ўхшаган ишламайдиганлар эса четда қолди. Фармонда «Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган ишламаётган пенсионерлар учун ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағлар ҳисобидан совға сотиб олсинлар» деб жуда аниқ қилиб ёзиб қўйилганига қарамай, баъзи ўртоқлар ҳамон алоҳида кўрсатма кутиб ўтиришибди. Жумладан, биз кексаларга Киров ноҳия социал таъминот бўлими эътибор берса керак, деб борувдим... Уларга ҳали уруш ногиронларига совға берилсин, деб алоҳида буйруқ келмаганмиш. Ана энди бир танангизга ўйлаб кўринг, гап фақат совғадами? Президент имзоси билан олий фармон чиқарилса-ю, бу ердагилар пайсалга солиб ўтиришса. Яқинда газетада ўқиб қолдим. Тошкентнинг ўзида 240 мингдан зиёдроқ ветеран яшар экан. Шулардан 26 минги уруш ветерани, яна 3 минги байналмилалчи жангчидир. Шунча одамнинг кўнглини бирваракайига олиб бўлмаслиги тушунарли. Шундай экан, биз яхши ўзгаришлар бўлишига умид қиламиз. Янги имтиёзлар барча уруш ветеранларининг шахсий ҳаётида жиддий ўзгариш ясайди деб ҳисоблайман. Фақатгина бу олижаноб ишни охирига етказувчилар ҳаммани сарсон қилмай, пайсалга солмай амалга оширсалар бас.

**М. МИРАЛИЕВ.**

***• XXIV Тошкент вилоят партия конференцияси олдидан***

# ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маълумки, бир неча кундан сўнг XXIV Тошкент вилоят партия конференцияси ўз ишини бошлайди. Ушбу анжуман олдидан махсус мухбиримиз Неъмат Рафиқов ВАСХНИЛ академиги, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, вилоят партия конференцияси делегати **Абдували Имомалиевич ИМОМАЛИЕВ** билан суҳбатлашди.

**— Абдували Имомалиевич, ҳозир партиямиз ва жамиятимизда қайта қуриш кетмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу жараён жуда мураккаб кечмоқда. Шу қайта қуришнинг бориши сизни қониқтирадими?**

— Қайта қуришнинг бориши бизнинг ўзимизга боғлиқ. Дастлабки қадамлар анча суст борган бўлса эндиликда жумҳуриятимизда бу одим бироз бўлса-да тезлашгандек бўляпти назаримда. Лекин қайта қуришнинг кўнгилдагидек кетмаётганлигига сабаб айрим кишиларнинг оғизда бошқача гапириб, амалда бутунлай тескари иш тутаётганликларидан бўлса керак. Биз ҳозирги қайта қуриш даврида биринчи навбатда шундай «гапдон»лардан қутулиб, уларга зарба беришимиз керак. Чунки биз уларни ҳозирги қайта қуриш даврининг мухолифлари деб ҳам баҳолашимиз мумкин.

Қайта қуришнинг асосий ташкилотчиси Коммунистик партиямиз айни пайтда ўзининг йўл қўйган хатоларини тан олган ҳолда уни тузатиш учун барча чораларни ишга солмоқда. Бу мураккаб жараён ҳамма ерда турлича кечмоқда. Айрим партия ташкилотлари давр талабидан келиб чиқиб ҳаракат қилишмоқда. Баъзи ерларда эса давр талабини сезиш ва аҳволни яхшилаш кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун ҳам ўша ерларда қайта қуриш суст кетмоқда. Менинг фикримча, бу ишда жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг масъулиятини ошириб, уларга кўпроқ мустақиллик бериш керак.

Яна бир масала, қайта қуришдан илгари ҳам айрим корхоналарда раҳбар яхши танланганлиги ҳамда кадрлар салоҳияти кучли бўлганлиги учун ишлар яхши кетаётганди. Лекин биз охирги пайтда шундай корхоналарга ҳам иш ёмон кетаётган жойлардаги каби талабни бир хил қўйдик ва ишни қайта қуриш талаби асосида олиб борасан, дея уларни қийин бир аҳволга солиб қўйдик. Бу менимча нотўғри. Биз фақатгина давр талаби даражасидан орқада қолган корхоналардангина ўз ишларини қайта қуришни қаттиқ туриб талаб қилишимиз керак.

Яна бир ҳолни афсусланмасдан гапирмаса бўлмайди. Биз дастлаб қайта қуриш шиори остида кўпгина коммунистларни ноҳақ жазолаб, партия сафларидан ўчирдик. Ҳатто айримларини иши судга ҳам оширилди. Бундай йўл тутиш қайта қуриш тараққиётига фақатгина раҳна солади.

**— Ҳозир сиз бошқараётган илмий муассасада иш қайта қуриш талаби даражасида олиб борилаяптими?**

— Бизнинг илмий муассаса коллективи, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз имкони борича бунга ҳаракат қилишмоқда. Жумҳуриятимиз асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашганлиги учун ҳам бизга алоҳида масъулият юкланган. Олимларимиз айни кунларда биологиянинг асосий тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришмоқда. Қарамоғимизда учта совхоз бўлиб, умумий, ишчи-хизматчиларимиз сони 7 минг кишидан иборат. Биз ғўза, беда ҳамда дуккакли ўсимликларнинг янги навларини етиштириш ҳамда уларнинг ўсиш жараёнини тезлаштириш устида тадқиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Яқинда ғўзанинг янги «Юлдуз» деб номланган навини деҳқонларимизга етиштириб бердик. Шу билан бирга АН-510, АН-410 навлари районлаштирилди. Олимларимиз яқин орада яна бир янгилик яратишди. Маълумки, илгариги пайтларда маҳаллий ўғит тўлиқ чиритилган ҳолда майдонларга сепиларди. Олимларимиз эса маҳаллий ўғитнинг ярим чиритилган ҳолда қўллаш яна ҳам яхши самара бериши ҳақидаги назарияни яратдилар. Ўйлайманки, бу янгилик ўзининг яхши самарасини беради.

**— Маълумки, фан ютуқлари ишлаб чиқаришга татбиқ қилингандагина кучга киради. Бу жараённи қанчалик тезлатиш олимларга, қолаверса, улар билан бевосита иш олиб бораётган кишиларга боғлиқ. Шу борада қандай ишлар қилиняпти?**

— Гапингизда жон бор. Шу боисдан ҳам биз жумҳуриятимизнинг турли регионларидаги қишлоқ хўжалик ходимлари билан яқиндан алоқа боғлаб ишламоқдамиз. Ходимларимиз ўша жойларнинг ўзида туриб маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Бизда айни кунларда «Фитотрон» қурилишининг лойиҳаси ҳам тугалланди. Умумий қиймати 42 миллион сўмлик бўлган ушбу иншоот нафақат жумҳуриятимизда, балки Иттифоқимизда ҳам ягона қурилишлардан ҳисобланади. Ушбу қурилиш битса янги нав яратишимиз жараёни бир неча баробар тезлашади. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш кераккн, биз кўп пайтларда ҳамма ишнинг ечими кадрларга боғлиқлигини кўпинча такрорлаймиз. Шунинг учун ҳам фанимиз учун етук мутахассислар тайёрлаш шу куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган қарори кадрлар тайёрлашда биз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Айни кунларда биз фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш учун қанчалик ҳаракат қилсак, фанимизнинг келгуси заҳматкашлари ҳақида ҳам шунчалик кўпроқ ўйлашимиз керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бизнинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмамиз замонавий жиҳозлар билан тўла таъминланмаган. Бунинг устига ходимларимизнинг маошлари жуда паст даражада. Биз бу муаммоларни ҳал қилмай ҳеч қачон яхши натижаларга эриша олмаймиз.

# Оила, маҳалла, жамият

## Уй-боғчалари — жон роҳати

### Диққат: янгилик

ҲОЗИРГИ кунда жумҳуриятимизда, шу жумладан, вилоятимизда халқ таълими системаси ниҳоятда ночор аҳволда эканлиги барчага маълум. Бу манзара болалар боғчалари борасида янада яққолроқ кўзга ташланади. Хусусан, вилоятимизда мактабгача тарбия муассасаларининг етишмаслиги туфайли 20 минг бола навбатда турибди. Шаҳар ва ноҳиялар раҳбарлари бундай мураккаб вазиятдан чиқиш йўлларини излашмоқда, албатта. Бу жиҳатдан Пискент ноҳиясида ҳам бир мунча ишлар қилинаётир. Бу ерда ҳукуматимизнинг уй-боғчалар ҳақидаги қарори асосида дастлабки тадбирлар амалга оширилмоқда. Яъни уй-боғчалар ташкил этишга дадил киришилди, дейиш мумкин.

— Биласизми? — дейди ноҳия халқ таълими бўлими мудири Қутби опа Мамадалиева,— баъзан қабулимга фарзандини боғчага жойлаштиришда ёрдам сўраб келган оналарни ноумид қайтарганимда ўзим ҳам хижолат чекиб кетаман. На илож! Аёлларимизга қулайлик яратайлик, иш билан таъминлайлик деймиз-у, амалда бажара олмаймиз. Барча жойда бўлгани каби ноҳиямизда ҳам боғчалар етишмаслиги сабабли 1,5 минг бола навбатда турибди. Ҳар йили қурилаётган бир-иккита янги боғча шунча болани қабул қила олмайди-ку?! Шу жиҳатдан уй-боғчалар ташкил этишнинг бир қанча афзалликлари бор.

Қутби опа ўзининг янгича фаолиятини фарзандларини боғчага жойлай олмай юрган аёлларни йиғишдан бошлади. Уларга ҳозирги аҳвол, уй-боғчалар ҳақидаги қарор, унинг ҳар томонлама қулайликлари ҳақида тушунтирди. Тўпланган 150 дан ортиқ оналар ҳам бу масалага анча қизиқиб қолишиб, опага турли саволлар беришди. Жумладан, кўпчиликни кимлар бундай уй-боғчалар ташкил этишлари мумкинлиги қизиқтирди. Баъзилар унинг асосий шарт-шароитлари ҳақида сўрашди. Қутби Мамадалиева эринмай ҳаммасини бирма-бир тушунтирди. Уй-боғчанинг энг асосий шартлари хонадон боғчага яқин бўлиши керак. Уни ташкил этган оила соҳибаси ана шу боғчада тарбиячи ҳисобланади ва хизмати эвазига маош олади. Кичкинтойларнинг озиқ-овқатлари эса асосий катта боғчадан келтирилади. Шунингдек, яна бир шарти оилада ўз эҳтиёжларидан ортиқча камида иккита катта хона бўлиши, уларда боғча очиш учун ноҳия санитария эпидемиология станцияси томонидан рухсат берилган бўлиши керак. Уй бекаси имкони қадар тарбиячи ёки бўлмаса болалар ҳамшираси бўлса яна ҳам яхши. Ҳозир ана шу мақсадлар учун 12 минг сўм пул ажратилди.

Қ. Мамадалиева бизга бундай уй-боғчаларни ташкил этиб муваффақиятли иш олиб бораётган Свердлов номли колхознинг Муроталли қишлоғидаги Мадиёрова Пискент шаҳридаги Зуҳра Маликовалар оиласи ҳақида ҳам гапириб берди.

Зуҳрахон Маликова иккинчи фарзанди туғилгунга қадар уйи яқинидаги 1-болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлар экан. Кичкинтойи 1,5 ёшга тўлгач, боғчага жойлай олмай юрган кезлари уй-боғчалари ҳақида эшитиб қолди. Бир вақтини топиб, турмуш ўртоғи — 8-мактаб ўқитувчиси Фатхулла Маликовга уйида боғча очиш ҳақидаги таклифини айтиб, унинг фикрини сўради.

— Жуда яхши ўйлабсиз, Зуҳрахон,— деди Фатхулла.— Иккиланмай, дадил киришаверинг. Мен ҳам қараб турмайман, қўлимдан келган ёрдамни бераман.

Шундан сўнг улар биргаликда ноҳия халқ таълими бўлимига келиб, ўз таклифларини айтишди. Тузилган комиссия аъзолари уларнинг уй шароитларини ўрганиб, боғча ташкил этиш мумкин деган қарорга келишди. Маликовлар уй-боғчаси учун барча зарур жиҳозлар ажратилди. Уй ижараси, сув, газ, электр учун бир йиллик пул ҳам халқ таълими бўлими томонидан тўланди. Тез кунда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган бу хонадон саккиз нафар 1,5 ёшдан 3 ёшгача бўлган кичкинтойни ўз бағрига олди.

Биз бу уй-боғчада бўлганимизда бу ерда иш жуда яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Кирaверишданоқ ҳовлидаги саранжом-саришталик орасталик диққатимизни жалб этди. Кенг ва ёруғ хоналарнинг жиҳозланиши уй бекасининг жуда нозик табиат ва дидли эканлигидан далолат бериб турибди. Кечки овқат пайтида келган эканмиз, саккиз нафар жажжи кичкинтой озода ҳолда қулай стулчаларга ўтириб овқатланишяпти. Зуҳрахон улар атрофида парвона. Биз тарбиячи опаларини ишдан қолдирмай, 1-боғча мудираси Ҳуринисо Абдуқодирова билан суҳбатлашдик.

— Зуҳрахон энг тажрибали, ширинсўз тарбиячиларимиздан,— дейди Ҳ. Абдуқодирова.— Шунинг учун ҳозир унинг иш фаолиятидан ноҳия халқ таълимидагилар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд.

Суҳбатимизга фарзандларини боғчадан олиш учун бирин-кетин келаётган оналар келиб қўшилишар экан, улар ҳам мудира опанинг гапларини маъқуллашди.

— Менга дастлаб ўғилчамни мана шу уй-боғчага жойлаштиришни таклиф этишганда унчалик ёқмаган эди,— дея гап бошлади ўзини 11-ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси Комила Абдуллаева деб таништирган аёл,— ҳозир эса фикрим бутунлай ўзгача. Ҳатто кечки пайт ҳам ўғлимнинг боғчасидан уйга кетгиси келмайди. Чунки Зуҳра опасига жуда-жуда ўрганиб қолган.

— Дарҳақиқат, уйда боғча ташкил этиш бизга жуда ёқиб қолди, дея суҳбатга қўшилди яна бир она Саломатхон Омонова,— Эрталаб фарзандларимиз ҳеч қандай харҳашасиз, ўйнаб-кулиб қолишади. Ахир она фарзандидан кўнгли тўқ, хотиржам бўлсагина ишига хотиржам кетади-да.

Ҳақиқатан ҳам улар ҳақ гапни айтишяпти. Қачонки она боласидан хотиржам бўлсагина, ишида унум ва сифат бўлади. Энг муҳими, уй-боғча шароитида тарбияланаётган кичкинтойларнинг ҳуда-беҳуда шамоллайвериши, касал бўлишлари деярли йўқ ҳисоб. Бу боғча шу йилнинг февраль ойидан иш бошлаган бўлса ҳали бирор бола касалланмади. Албатта бунинг сабаби бор. Асосий боғчада битта группада 30—40 нафар кичкинтой бўлса, бу ерда уларнинг сони 8 тадан ошмайди. Демак, тарбиячи ҳар бир болага алоҳида эътибор қаратиши, уларнинг ҳар бирининг психологиясини ўрганиб, шунга яраша муомала қилиши мумкин.

Зуҳра Маликова бундай хайрли ишни йўлга қўйиб, ўзи учун ҳам, бошқа оналар учун ҳам қулайликлар яратди. Яъни ўзи иш фаолиятини давом эттириб, ойига 230 сўм маош олмоқда. Энг муҳими икки фарзанди ўзи билан бирга. Шунингдек, ноҳия халқ таълимида боғчага навбатда турган болалар сони саккизтага камайди, демак шунча она ишга тушиш имкониятига эга бўлди.

Биз ана шундай ўй-фикрлар билан Пискентдан қайтар эканмиз, вилоятимизнинг барча шаҳар ва ноҳияларида бу ишни оммалаштириш керак экан, деган ҳаёлга келдик.

**З. ЖЎРАЕВА.**



Суратда: Зуҳра Маликова ўзининг жажжи тарбияланувчилари билан.
Суратчи: Н. РАХИМУЛИН.

## Ўйинчоқ машина

*Болаларингизга ўқиб беринг*

ҲИКОЯ

Илҳом зерикиб кўчага чиққанида ўртоғи Ҳамид дарвозалари ёнига тўкиб қўйилган қум олдида ўйнаб ўтирарди, ёнида эса ўйинчоқ самосвал машина. Ҳамид унинг кузовига қум тўлдирар, яна қайтиб ағдарар эди.

Яп-янги ўйинчоқ машинага Илҳомнинг ҳаваси келиб, беихтиёр ўша томонга қараб юрди. Яқинлашгач:

— Бунча машинанг чиройли? — деди.

— Дадам опкеган — Ҳамид мақтангандай янги машина ўйинчоғини кўз-кўз қила бошлади.

— Мен ҳам ўйнасам бўладими?

— Ўзингда йўқми?

— Бўлганда сўрармидим. Ке ўйнай қолай, — Илҳом шундай дея Ҳамиднинг ёнига чўккалади.

— Йўқ, тегма... — Ҳамид тўсатдан машинасини тортиб олди.

— Қизғанчиқ... — Илҳом у билан ўйнагиси ҳам келмай хомуш тортиб нари кетди. Шошмай турсин. У ҳали самосвал машина сотиб олар...

Кечки пайт эди. Илҳом дадасининг бугун нимагадир хурсандлигини сезиб турарди. Ўгай онаси Нури опа айтганидай, балкиароғини ичиб олгандир. Ҳар қалай Илҳомни «тойчоғим» деб эркалаши болакайга хуш ёқиб тушарди. Шунинг учун ҳам у дилидагини тилига чиқарди.

— Дада, менга ўйинчоқ самосвал машина олиб берасизми?

— Албатта. Ўшанақа машинани туғилган кунингда сенга совға қиламан, хўпми, тойчоғим, — шундай дея дадаси Илҳомни эркалаган бўлди.

Ўгай онаси дадасини нуқул ёмонлагани — ёмонлаган. Баъзи пайтларда ўз-ўзидан нолиб. «Турмушда бир адашиб арақхўрга учраб қолдим-да. Пешонам шўр экан» — дейди.

Илҳом ҳайрон. Нега ҳамма дадасини арақхўр дейишар экан? Бу сўз шунчалик ёмонми-а. Ахир дадаси юввош, яхши одам-ку. Ўзининг ойиси бўлганида-ку, ҳечам ёмонламасди.

...Бугун Илҳомнинг туғилган куни эди. У куни бўйи дадасини пойлади.

Охири у келди. Ёнида эса барваста бўйли, йўғон гавдали шериги ҳам бор эди. Дадаси қўлига газетага ўроғлиқ нимадир ушлаб олганди. «Шу совға бўлса керак», — ҳаёлидан ўтказди юраги орзиқиб Илҳом. Унинг сабри чидамай, дадаси меҳмон билан овора бўлган чоғда газета орасини очиб қаради. Арақ экан, ҳа, ҳа арақ... Шунда ҳам Илҳом умидини узмади. Балки дадаси совғани аллақачон олиб келиб, бирор жойга яшириб қўйгандир.

Илҳом дадасининг ёнига бориб эркаланган бўлди.

— Дада...

— Нима дейсан? Конфетдан олиб берайми?

— Керакмас, ҳалиги... машина олиб келдингизми?

— Қандай машина? Бор, бор меҳмон борида бошимни оғритма.

Илҳомнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Жажжи юрагига қил сиғмай, ташқарига чиқди. Тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди. Йиғлади ҳам. Аммо ҳеч кимга кўрсатмади.

Йиғидан ачишаётган кўзларини ишқалаб атрофга қаради. Дарров кўзи сўри остида чанг босиб ётган шишаларга тушди. Шишалар Шу онда негадир ҳаёлига Ҳамиднинг ҳув куни магазинга иккита шиша топшириб, эвазига лимонад олгани келди-ю, дардига чора топгандай ҳис этди ўзини.

Ахир у ҳам магазинга шиша топшириб, пулига ўйинчоқ машина сотиб олса бўлади-ку. Шунча шиша-я... Бекорга ҳам ётибди. Ҳаёлига келгани жуда яхши иш бўлди-да.

...Ана энди унинг ҳам ўйинчоқ машинаси бор. Кўм-кўк, бирам чиройликки. Чинакам машинанинг ўзи. Буни албатта ўртоғи Ҳамид кўриши керак, кўрди ҳам.

— Машинангни ким олиб берди? — ҳаваси келиб ҳайрон бўлиб сўради у.

Илҳом бироз ўйланиб тургач:

— Дадам... — деди. Сўнг эса негадир чуқур хўрсиниб қўйди...

**Улуғбек МУСТАФОҚУЛОВ.**

## Қадрига етайлик

АТОҚЛИ ўзбек олими, нафақат Ўзбекистон, Ўрта Осиё археологларининг сардори, Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби вилоятларда олиб борилган археологик изланишларнинг билимдони, ажойиб инсон — Яхё Ғуломовнинг яратган илмий мероси фанимизни беқиёс бойитди. Бутун билимини, умрини халқи учун хизмат қилишга сарф этган олимнинг хотираси олдида биз, тириклар қарздормиз, деб ўйлайман. Шу пайтгача олим номи билан аталадиган кўчалар, ўқув юртларини эшитмадик.

Ҳозирги кунда кўп хайрли ишлар қилинмоқдаки, шулардан бири айрим кўчаларнинг қайта номланишидир. Ҳақиқатан ҳам (номлар) шу юртга хизмат қилган кишилар номларини абадийлаштириш эгилган адолатнинг тикланишидир.

Шу ўринда шундай таклиф қилмоқчиман: биз яшайдиган Парашютний городок кўчасида олим яшаб ўтган. Мана шу кўча олимнинг номи билан аталса, маҳалладошларимнинг ҳам айни кўнглидаги иш бўларди.

**У. ТОШМАТОВА,**

# Ўзгаришлар ясаш мумкин

Оржоникидзе ноҳияси ҳарбий комиссари подполковник Раҳматилла Тошхўжаев билан ҳозир кўпчилик қизиқаётган масалалардан бири — армия, йигитларимизнинг ундаги хизмати ва бу хизматнинг келгусида қандай бўлишлиги хусусида суҳбат қилдик. Бундай мавзунинг айнан шу пайтларда танланганлиги бекорга эмас, чунки ҳар биримиз бевосита бўлмасада билвосита у билан боғланганмиз. Қўшинларимизнинг мудофаа қобилияти ҳам, унинг ичидаги аҳвол ҳам бизга таъсир қилмай қолмайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Боиси у бизнинг бир бўлагимиздир. Этни эса тирноқдан ажратиб бўлмайди.

**— Раҳматилла Ҳикматович, ўзингизга маълум ҳозир кишиларимизда оз бўлса ҳам армиядан норозилик бор ва бу бесабаб эмас. Сиз нима деб ўйлайсиз, норозиликнинг боиси нимада, уни қандай қилиб йўқотиш мумкин ва умуман бу нарса сизнинг ҳар кунги ишингизда билинаяптими?**

— Шундай кайфият ростдан ҳам билинаяпти. Масалан, одамлар келишади, ўғлим шу ерда хизмат қилсин, шу ерда хизмат қилмаса бошқа жойга юбормайман, — дейишиб «Хўп, нега юбормайсиз?» десак «Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида айтилдику, йигитларимизнинг Ўзбекистонда хизмат қилиши ҳақида» деб жавоб беришади. Бизлар тушунтирамиз, сессияда йигитлар Ўзбекистонда қолишсин, деган таклифлар бўлган, холос. Қонун қабул қилингани йўқ ҳали.

Яна бошқа томони, ўзингиз кўриб турибсиз, радио, телевидение, газеталарда ҳар хил хабарлар берилиб турибди, аскарларнинг жароҳатланиб қайтаётгани ёки бошқа нарсалар ҳақида кўп ёзилаяпти. Бундай ҳодисалар олдин ҳам бор фақат бу ҳақда маълумот берилмасди. Ҳозир бўлса, бирор воқеа бўлдими, ҳамма билади, газетада ҳам, телевидениеда ҳам шу ҳақда гапирилади. Кишилар буларни эшитиб яна ваҳимага тушишади. Тўғри ота-оналарни ҳам тушуниш керак. Боласини вояга етказиб орзу ҳавасини кўраман деганда, ёмон хабар келса, албатта қийин.

**— Демак, кишилардаги норозиликларнинг сабабчиси оммавий ахборот воситалари, деб тушуниш мумкинми?**

— Йўқ, айтмоқчиманки, маълумотлар ишга ёрдам берадиган бўлсин. Яқинда бизнинг депутатларимиз Болтиқбўйида бўлиб келишди, қисмлардаги аҳвол билан танишишди, айбдор офицерлар бор экан, улар айбларига яраша жазо олишди. Матбуотда бўлаётган чиқишларнинг яхши томони ҳам мана шунда.

**— Умуман, армиядаги аҳволни яхшилаш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Фикримча, ҳозирги — қурилиш қисмларида хизматини ўтайдиганлар Ўзбекистонда қолсинлар, деган таклифлар тўғри бўляпти. Нега деганда, жанговар қисмларда бундай воқеалар жудаям кам бўлади. Қурилиш қисмларида бўлса ҳеч қандай жанговар тартиб йўқ, фақат иш бор, холос.

**— Ноҳиянгизда ҳам армиядан бўйин товлаш ёки шунга ўхшаш бошқа воқеалар бўлдими? Агар бўлган бўлса ҳарбий комиссарлик бунинг сабабларини ўргандими?**

## • ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

— Бизда бу йил Мадалиев деган йигитнинг тобути келди. Жанговар қисмда хизмат қилаётганди. Хабарни олганимиздан кейин у аскарлик қилган қисмга акаси билан яна бир вакилимизни қўшиб юбордик, унга нима бўлганлигини ўша жойнинг ўзида билиб келишсин дедик. Бола январь ойларида шамоллаб, касал бўлиб қолган. Госпиталдагилар йигитни хизматга яроқсиз, деган қоғоз билан уйига қайтаришмоқчи бўлишади, лекин у мен ота-онамнинг, қўшниларимнинг кўзига қандай қарайман, ҳамма мени касал бўлиб қайтиб келган, деб камситади, деб бунга унамайди. Қисқаси, касалини ўтказиб юборади. Кейин операцияга ётганида кеч бўлган эди. Ноҳиямизда фақат мана шу воқеа бўлди.

**— Мана Раҳматилла Ҳикматович, бизда ҳозир инсон ҳуқуқлари ҳақида кўп гапирилаяпти-ю, бироқ аскарнинг ҳуқуқлари ҳақида мулоҳаза қилиш кўп ҳам хаёлимизга келаётгани йўқ. Модомики шундай экан, то малакали қўшин тузилганга қадар, армияда аскарлар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган кенгашлар тузса бўлмасмикин? Умуман аскарга маълум ҳуқуқларни бериш масаласи ҳақида гапириш тўғрими ёки йўқми?**

— «Мудофаа ҳақидаги қонун» қабул қилинаяпти. Унда кўп нарсалар кўзда тутилган бўлади.

**— Яна бир нарса, менинг назаримда ҳарбий комиссарликлар ўн саккизга тўлган йигитларни йиғиб уларни армияга жўнатиш билан банд бўлиб қолишган, холос. Балки ҳарбий комиссарликлар фақат қўшинни янги борадиганлар билан тўлдирмасдан, ҳудудлардан кетган йигитларни лозим пайтларда ҳимоя қилиб, зарур бўлганда уларга ёрдам берганлари дурустдир?**

— Тўғри айтдингиз. Масалан ноҳиямизда пионерлар, комсомолларга биздан хизматга кетган йигитларнинг исми-фамилияси, қаерда яшашлигини билиб келишни топширдик. Сўнг у хизмат қилаётган қисмнинг командири ва боланинг ўзига хат юборамиз, унинг аҳволини, қандай шароитда бурчини бажараётганлигини билиш учун. Агар йигит бирор бир нотўғри ишларнинг бўлаётганлигини ёзадиган бўлса, биз ўша қисмни бошқарадиган штабга у айтган хабарлар, нотўғри иш қилаётган офицерлар ёки аскарларнинг фамилиясини маълум қиламиз. Жумҳурият ҳарбий комиссарлигида майор Прямаков бошлиқ оператив гуруҳ тузилган. Улар шикоятни олишлари биланоқ ўша қисм билан боғланишади ва масалани тез ҳал қилишади.

**— Охирги саволим, армиядаги аҳволни яхшилаш учун нима қилиш керак?**

— Мен бир нарсани истардимки, ўзимизнинг миллатдан офицерлар кўп бўлса. Нима учун биздан офицерлар кам? Туркистон ҳарбий мавзесида ҳам шу аҳвол.

**— Ўзбек офицерлари демоқчисиз?**

— Ҳа, ўзбек офицерлари. Ўзим ҳарбий билим юртини битирганман. 300 битирувчининг ичида тўртта ўзбек эдик.

**— Айтмоқчисизки, армияда ўзбек офицерларининг бўлиши кўп нарсани ўзгартиради?**

— Албатта, битта тил, бир хил тарбия... Бизда эса ота-оналар фарзандини офицерликка беришмайди, 25 йил хизмат қилса, уйдан кетиб қолади, деб. Уч тўрт йил хизмат қилгандан кейин йўлланма олиб яна Ўзбекистонга қайтиб келса бўлади. Бу ҳам армиядаги аҳволни ўзгартириш йўлларидан бири.

**Суҳбатни Р. ХУДОЁРОВ олиб борди.**

---

*• Амалдаги байналмилалчилик*



# РУС АЁЛИНИНГ ТУҲФАСИ

**Бўстонлиқдаги табиий офат оқибатларини тугатишда Тошкент вилоят Қизил Ярим ой жамияти фаоллари ҳам фидойилик кўрсатмоқдалар.**

**— Биз бу ерга сув тошқинининг эртаси куниёқ етиб келган эдик, — дейди жамият раиси В. Тошев. — Бу ҳодиса шанба куни бўлган эди. Душанба куни банк очилиши билан 20 минг сўм пул олиб, сув тошқинидан жабр кўрганларга тарқатдик. Ҳаммаёқ лой-балчиқ бўлишига қарамай, қишлоқ Совети ижроия комитети раҳбарлари билан уйма-уй юриб, аҳвол билан танишдик. Моддий ёрдам биринчи навбатда кўп болали оилалар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари, тошқиндан қаттиқ зарар кўрганларга кўрсатилди.**

**Совет кишиларида байналмилалчилик туйғуси кучли. Куни кеча Қизил Ярим ой жамиятимизга Ленинград камалда қолганда кўчириб келтирилган аёл — Галина Борисовна Муллонен мурожаат қилди. У урушнинг оғир кунларида ўз бағрига олган, охирги бурда нонини баҳам кўрган ўзбек халқига бўлган чексиз миннатдорчилигини изҳор этди.**

**У бўстонлиқлик оилалардан бирига қўлидан келганча моддий ёрдам беришга аҳд қилганлигини айтди. Г. Б. Муллоненни жамият фаоллари Қўшқўрғонга олиб боришди. Бу ерда Ражабовлар хонадонига таклиф этишди. Уй соҳиби Тўлаган Ражабовнинг айтишича, уларнинг оиласида 14 жон бор экан. Ҳовлида усти берк бирорта хона қолмаган. Оила аъзолари уларга ажратиб берилган вагончада яшашяпти. Янги иморат қурилишини бошлаб юборишган. Табиий офатдан зарар кўрган оилага ёрдам кўрсатилди. Қурилиш материаллари бериляпти. Галина Борисовна Муллонен эса ўрин-кўрпа, идиш-товоқ, болалар учун кийим-кечаклар олиб келган экан. Уларни Тўлаган аканинг набираларига ҳадя этди.**

**— Галина Борисовнанинг ўзи жуда камтар турмуш кечиради, — дейди В. Тошев, — лекин унинг қалби саҳий. Шунинг учун бўстонлиқликлар бошига кулфат тушганда қўлини чўзди. Умуман шу кунларда жамиятимизга кўплаб кишилар Бўстонлиқ ноҳияси аҳолисига ёрдам бериш истагида мурожаат қилишяпти. Уларга ёрдам фонди счётини яна бир бор эслатиб ўтамиз:**

000700070

**А. НОСИРОВА.**

**Суратларда: Г. Муллонен, В. Тошев Ражабовлар оиласига совғаларни топширишяпти.**

**Суратчи А. Зуфаров.**

---

*Жумҳурият ҳукумати қарорини ўқиб*

# АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

**М. ҚОСИМОВА,**

**Янгийўл ноҳиясидаги Калинин номли колхоз аъзоси**

**Катта ўғлим Абдукомил армия ёшига етди. Уни район ҳарбий комиссариати тиббий кўрикдан ўтказиб, область чақириқ манзилига юборди. Бу ерда ҳам тиббий кўрикдан ўтди. У қурилиш отрядига хизматга борармиш. Буни қаранг-ки, менинг ўғлим Абдукомил Қосимов ўз солдатлик бурчини Туркистон ҳарбий округида ўтайдиган бўлибди. Мен авваллари ўғлимни қайси юртга олиб кетаркан, ўзи нозикроқ эди, ўта совуқ иқлимли жойга тушса, аҳволи нима кечаркин деб жуда қаттиқ хавотирда эдим.**

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилиб, ўзбекистонлик йигитларни Туркистон ҳарбий округидаги қурилиш қисмларида хизмат қилишларини белгилаб берганлиги айни муддао бўлди. Армия сафига чақирилаётган ва ҳарбий қисмларда хизмат қиладиган йигитларнинг ота-оналари қатори мен ҳам ҳукуматимиздан миннатдорман.**

